

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Махмудова Дилбар Рахмоновна

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7298049>

**Аннотация.** Мақолада “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштириш”, соҳани янги босқичга ўтказишда мамлакатимизда қандай ислохотлар амалга оширилаётганлиги тўғрисида ва истиқболдаги вазифалари келтирилган бўлиб, кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда таклифлар келтирилган.

**Калим сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, кичик бизнес, индустрия 4.0, ақлли бошқарув, инвестиция, инновация, дастурий маҳсулот, интернет буюмлар, сунъий интеллект, “булутли” ҳисоблаш технологиялари.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УПРАВЛЕНИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА В УСЛОВИЯХ РАЗВИВАЮЩЕЙСЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

**Аннотация.** статья посвящена проблемам «Совершенствования управления малого бизнеса в условиях развития цифровой экономики», а также выражено мнение автора о том, какие реформы реализуются в нашей стране для перехода отрасли на новый этап. Были изучены перспективные задачи по теме и выработаны предложения и рекомендации по совершенствованию управления малого бизнеса.

**Ключевые слова:** цифровая экономика, малый бизнес, индустрия 4.0, умное управление, инвестиции, инновации, программный продукт, интернет вещей, искусственный интеллект, «облачные» вычислительные технологии.

## IMPROVING SMALL BUSINESS MANAGEMENT IN THE DIGITAL ECONOMY DEVELOPMENT

**Abstract.** The article is devoted to the problems of "Improving small business management in the context of the development of the digital economy", and the author's opinion is expressed about what reforms are being implemented in our country to move the industry to a new stage. Prospective tasks on the topic were studied and suggestions and recommendations were developed on improving small business management.

**Keywords:** digital economy, small business, industry 4.0, smart management, investment, innovation, software product, internet of things, artificial intelligence, "cloud" computing technologies.

## КИРИШ

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни ривожлантириш жараёнида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштириш муҳим стратегик вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида қабул қилинган “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” давлат дастури, “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор ҳамда, “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш тўғрисидаги Фармонда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий

Мажлисга Мурожаатномаларида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштириш бўйича ҳам муҳим вазифалар белгиланди. Булар жумласига қуйидагиларни келтириш мумкин:

- иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларидаги корхоналарда бошқарув, ишлаб чиқариш ва логистика жараёнларини автоматлаштириш бўйича 280 дан ортиқ ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар жорий этилади;

- иқтисодиёт тармоқларида виртуал ва тўлдирилган реаллик, сунъий интеллект, криптография, машина ўрганиши, катта маълумотларни таҳлил қилиш ва «булутли» ҳисоблаш технологияларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш;

- истикболли инновацион ишланмалар ва стартап-лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда уларни тижоратлаштириш ва технологиялар трансферини қўллаб-қувватлаш.

- бошқарув маълумотларини қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизимини, жумладан, реал вақт режимида бизнес-таҳлил тизимини жорий қилиш орқали такомиллаштириш;

- 2025 йилда корхона ресурсларини бошқариш тизимини (ERP) жорий қилган йирик хўжалик юритувчи субъектларнинг улушини 90 фоизга етказиш;

- саноат корхоналарида жорий этилаётган ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш (ERP, MES, SCADA ва бошқалар), роботлаштириш, «Интернет буюмлар», «сунъий интеллект» каби технологияларнинг дастурий маҳсулот қисмини 2027 йилга келиб, аппарат қисмини эса 2030 йилга келиб давлат-хусусий шериклик асосида маҳаллийлаштириш каби устувор вазифалар белгиланди.

Кичик бизнес ҳозирги даврга келиб нафақат бизни мамлакатимиз, қолаверса жаҳон мамлакатлари иқтисодий қудратини белгиловчи муҳим омилдир. Президентимиз иқтисодий сиёсатининг муҳим жиҳатларидан бири - иқтисодий қудратимизни янада оширишда кичик бизнес бошқарувини такомиллаштириш вазифаларига қаратилган катта эътибордир. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривож-лантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида иқтисодиётни тараққий топтириш ва кичик бизнесни бошқариш борасида бир қатор вазифалар кўрсатиб ўтилган.

## **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Амалга оширилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналиш танланди. “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва

худудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш” каби мақсадларни ўз олдимишга кўйганмиш.

“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” Давлат дастурига мувофиқ янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича барча соҳаларда ислохотларни амалга ошириш жараёнида республикамишда 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхоналар ҳамда инфратузилма объектлари барпо этилди. Тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш бўйича кўплаб имтиёз ва енгилликлар берилиб, тадбиркорлик субъектларига 100 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп кредитлар ажратилди. Мамлакатимиш иқтисодиётида 2020 йил аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида туб бурилиш йили бўлди.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришга эътибор қаратар эканмиш, бу ўринда 2021 йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилиниши, янги рақамли Ўзбекистонни билимли, бунёдкор, ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган ўз касбининг етук мутахассислари, шижоатли ёшларимиш билан биргаликда барпо этишимизни англади.

Ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши жараёнида пандемия талофати мамлакатимиш ҳаётида колаверса, бутун жаҳон мамлакатлари иқтисодиётида катта юқотиш бўлди. Жаҳон иқтисодиётида пандемия ҳар ойда қарийб 400 миллиард доллар миқдорида зарар келтирмоқда. Бугунги кунга қадар дунё бўйича 500 миллионга иш ўрни йўқотилган. Шундай таҳликали даврда халқимиш, айниқса тадбиркорларимиш давлатимиш кўмагига муҳтож бўлиши билан бирга, улар олдига улкан вазифаларни кўйди.

Президент Шавкат Мизиёвнинг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони таҳликали пандемия даврида ҳам кичик бизнеснинг тараққиёти давлат раҳбарининг диққат марказида турганлигидан далолат берди. Бу эса ўз навбатида Халқаро валюта жамғармаси ва халқаро рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, бу йилги синовларга қарамасдан, Ўзбекистон дунёнинг санокли давлатлари қаторида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолиши билан изоҳланди.

Пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами 82 триллион сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Инқирозга қарши жамғарма ташкил этилиб, коронавирусга қарши курашиш, аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларга бюджетдан 16 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Шунингдек, давлат корхоналарига ва 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти ҳамда қарийб 8 миллион фуқарога жами 66 триллион сўмлик солиқ имтиёзлари, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдамлар берилди.

Иқтисодиётни стратегик ривожлантиришда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш ва улар фаолиятини ривожлантириш учун ушбу тадбирлар асос бўлиб қолади. Чунки бугунги эҳтиёж ва талабдан келиб чиқиб, белгиланган тадбирлар, ушбу соҳани бошқариш учун муҳим аҳамиятга эга. Бундай амалий чоралар ўз натижасини бермоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш билан боғлиқ ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш имкониятларидан келиб

чиққан ҳолда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг 2017-2021-йилларга мўлжалланган асосий концептуал йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилаб қўйилди:

1. Хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш;

2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқини муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларнинг қатъий олдини олиш;

3. Давлат мулкни хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-тамоийларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулкидан хусусийлаштирилган объектлар баъзасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

4. Инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларида хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш;

5. Корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарнинг стратегик бошқарилишида акциядорларнинг ролини кучайтириш;

6. Тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиши бўйича тартиб-тамоийил ва механизмларни такомиллаштириш ва соддалаштириш;

7. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини-ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш.

Кичик бизнесни ривожлантиришда жамиятимизда аҳолининг тенг ярмини ташкил этган хотин-қизларнинг аҳамиятини инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, меҳнат ҳуқуқини кафолатлаш ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўлдамли ишларни янада такомиллаштириш мақсадида “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарор қабул қилинди. Бу эса ўз навбатида аёлларнинг ўз бизнесини бошлаши учун кенг қулайликлар яратибгина қолмай балки, эркин фаолият юритишлари учун ҳам асос бўлди. Шунингдек, охириги йилларда аҳолининг кенг қатламини тадбиркорликка жалб қилиш ва уларнинг даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилган “Ҳар бир оила - тадбиркор”, “Ёшлар келажагимиз” ва бошқа ижтимоий дастурлар доирасида жами 13 трлн сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилиб, 600 мингдан зиёд оилаларни қамраб олишга эришилди.

## **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида, 2021 йил давомида

республиканинг барча туман ва шаҳарларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали микромолиявий хизматлар кўрсатиш имкониятини яратувчи банк инфратузилмалари тармоқларини ташкил этиш, аҳолини, айниқса ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича янги бизнес моделини ишлаб чиқилишида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- микрокредит олиб кейинчалик барқарор тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ва ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтирган ёки камбағаллик рўйхатидан чиққан миждозлар сони ва улуши ошиб боришини банк фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан (KPI) бири сифатида белгилаш;

- микрокредитлаш дастурлари доирасида касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга ошириш ҳамда микрокредитлаш мақсадларида аҳолини молиявий саводхонлик ўқитишни ташкил этиш;

- микрокредит олган тадбиркорлар фаолиятини доимий кузатиб бориш ҳамда уларга маслаҳат ва кўмак бериш институтини шакллантириш;

- банк миждозлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун харидорлар топиш ва бозорларни кенгайтиришда кўмаклашиш каби масалалар юртбошимиз томонидан айтиб ўтилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тутган ўрни ва олиб борилган иқтисодий ислохотлар натижаларига эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган йиллар мобайнида кўзга кўринарли натижаларга эришилди. Амалга оширилаётган ислохотлар ва ривожланган давлатлар тажрибасига таяниб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни устувор йўналиш сифатида белгилашнинг бир қанча сабаблари мавжуд бўлиб, бунда соҳада ички бозорни зарур товарлар ва хизматлар билан тўлдириш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Ички бозорни сифатли ва арзон маҳсулотлар билан тўйинтиришда ҳамда, маҳсулотларнинг ассортиментларини кўпайтириш нафақат халқимиз фаровонлиги учун, балки ишлаб чиқарувчи тадбиркорнинг ўзи учун ҳам мақсадга мувофиқдир. Бундай жараёнларда эса албатта хориж тажрибаларига таянган ҳолда иш олиб бориш тадбиркор фаолиятининг ривожини демакдир.

Хорижий мамлакатларда кичик бизнесни хар томонлама қўллаб-қувватлашнинг мукамал ва пухта ишлаб чиқилган тизими мавжуд бўлиб, бу тизим иқтисодиётнинг глобаллашуви, жаҳон молиявий-иқтисодий муҳитининг барқарор тараққий этишини таъминлайди. Бундай ҳолат эса давлат томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш механизмнинг тўлақонли ривожланганлигини англатади. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кичик бизнес корхоналарининг кенг қўлламли ривожланиши ва уларнинг инновацион фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш юзасидан бир қатор самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг кўрсаткичларида муносиб ўрин эгаллашида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. “Index of economic freedom (Иқтисодий индекс эркинлиги)-2019” да 180 та мамлакат қаторидан бизнинг давлатимиз 140 ўринда ёки, “Doing business (Бизнес юритиш)-2020” да 186 та мамлакат қаторидан 69 ўринни эгаллаб 7-поғонага кўтарилди ва дунёнинг энг яхши ривожланган давлатлари қаторидан жой олди. Янги корхона очиш қулайлиги бўйича юртимиз илк бор дунёда 8-ўринга кўтарилди. Афсуски, Ўзбекистон жаҳоннинг муҳим

рейтингларидан бири бўлган “Global entrepreneurship monitor (Глобал тадбиркорлик мониторинги)” рейтингда йўқ. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал сектори улушини янада оширган ҳолда, унинг кичик бизнес соҳасини изчил такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

## **МУҲОКАМА**

Ҳозирги ахборот технологиялари асрида мамлакатимиз ҳаётида туб ўзгаришлар, ислохотлар жараёни кечмоқда. Бугунги кунда жаҳонда тўртинчи саноат инқилоби бошланган экан, бутун дунё мамлакатлари “Саноат эволюцияси” даврини кечиб ўтмоқда. Жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари айниқса, АҚШ, Германия, Хитой, Япония, Жанубий Корея давлатлари рақамли иқтисодиёт тизими асосида иқтисодий ислохотларини амалга оширмоқда. Маълумки, тўртинчи саноат инқилоби бу – ахборот технологияларининг ишлаб чиқариш жараёнига чуқур интеграциялашуви асосида бошқарувни автоматлаштириш ҳамда, роботлаштириш орқали тизимни изчил такомиллаштириш демакдир. Хусусан, Калифорнияда ташкил этилган Tesla ва SpaceX компаниялари ёки Германиядаги Fujitsu Siemens, Адидас ҳамда Harley-Davidson компанияларида айнан ишлаб чиқариш жараёни рақамлаштирилган тизим орқали бошқарилади. Бу ўз навбатида, завод ва фабрикаларни “ақлли” корхоналарга айлантириш стратегияси бўлиб, бошқарувда жуда катта қулайликлар яратиб, ишчи кучини, вақтни, кўпгина сарф-харажатларни камайтиради. Саноат инқилоби яъни “Индустрия 4”нинг асосий хусусияти шундаки, ишлаб чиқаришнинг барча таркибий қисмларида инсон меҳнати камайган ҳолда, рақамлаштирилган - киберфизик тизим фаоллашади. Албатта ҳар бир саноат инқилоби даврида ишсизлик даражасининг ўсишига хавсираш пайдо бўлади. Аммо, инқилобнинг ҳар қайси босқичи ўтгани сайин нуфузли, талаб юқори бўлган касблар кўпайиб, етук мутахассис кадрларга бўлган талаб ошади. Ўзбекистон иқтисодиётига келсак, мамлакатимиз “Индустрия 3” даражасига ўтиш босқичида бўлиб, ҳали жуда кўп ислохотлар қилиниши яъни, иқтисодиётимизни модернизациялаш, диверсификациялаш ва либераллаштириш жуда муҳим омил ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида иқтисодиётимизнинг барча тармоқларига ўз таъсирини кўрсатибгина қолмасдан, уларни тубдан ислох этишни кўзда тутади.

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шунингдек, энг оғир иллатлардан бўлган коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор. Давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижакорликни ошириш, бир сўз билан айтганда одамлар турмуш даражасини кескин яхшилаш мумкин.

Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бутун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари ҳамда инновациялар чуқур кириб бормоқда.

## **ХУЛОСА**

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида кичик бизнес бошқарувини янада такомиллаштиришда истиқболдаги вазифалардан келиб чиқиб қуйидаги таклифларни киритиш мақсадга мувофиқдир:

- иқтисодиётимизнинг реал секторида рақамли технологияларни киритиш асосида инновацион автоматлаштирилган бошқарув тизимлари, дастурий маҳсулотларни жорий қилиш;

- дунёда иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, чет эл экспертлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш корхоналарида инновацион технологияларни киритиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

- рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштириш орқали ишлаб чиқариш жараёнини роботлаштиришда бошқарувни амалга оширувчи етук мутахассис кадрларни таёрлаш;

- рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштиришда бошқарувчиларда инқилобий фикрлаш доирасини кенгайтирган ҳолда ривожланиш стратегиясини амалга ошириш;

- кичик бизнесни ривожлантиришда самарали бошқарув айниқса “ақлли бошқарув” асосида ташкил этиш чора-тадбирларини кўриш;

- рақамли иқтисодиёт шароитида кичик бизнес бошқарувини такомиллаштириш орқали, иқтисодиётимизнинг реал сектори улушини кўпайтириш ҳамда мамлакатимизни технологик тараққий этган давр “Индустрия 4” босқичига тайёрлаш истиқболли йўналишларини ишлаб чиқишдан иборат.

Барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови – инновацион ғоялар саосида янги рақобатбардош маҳсулотлар ҳамда уларнинг ноананавий ассортиментларини ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириб, мамлакатимизнинг транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш энг самарали йўлдир. Бунда эса халқаро бозор маҳсулот сифатини ошириш, таннархни пасайтириш, янги технологиялар олиб келишга мажбур қилади, бозор ислохотларини жадал ривожлантиради. Содда қилиб айтсак, жаҳон ишлаб чиқариш тизимига, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига бизнес бошқаруви соҳасида қилинадиган инновациялар билан кириб бориш талаб қилинади.

Шундай экан, жаҳон иқтисодиётининг юқори тенденциялар билан ривожланиши жараёнида Ўзбекистон ҳам дунё рейтинг кўрсаткичлари ва жаҳон бозорида ўзининг ўрнига эга бўлиши, тараққиётдан четда қолиб кетмаслиги учун олиб борилаётган илмий изланишлар, тадқиқотлар соҳани тубдан ислоҳ этишда муҳим омил ҳисобланиб, ҳозирги кундаги энг долзарб аҳамият касб этадиган масалалардан эканлигидан далолат беради.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 5-октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
2. 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси “. 7.02.2017 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш стратегияси концепцияси. Uzbekistan2035/uz/2019/05/Концепция-Развития-Узбекистана-uzb/pdf
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелда қабул қилган “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик

- субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони 5.10.2020 йил.
  6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги № ПҚ-4862 Қарори. 13.10.2020 йил
  7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 йил.
  8. Rakhmonovna M. D. A System of Government Regulation and Support Measures to Improve Small Business Governance in the Digital Economy //Academic Journal of Digital Economics and Stability. – 2022. – Т. 14. – С. 93-97.
  9. Rakhmonovna M. D. Foreign Experience In Regulating And Supporting Small Business By The State //Eurasian Journal of History, Geography and Economics. – 2022. – Т. 5. – С. 22-26.
  10. Rakhmonovna M. D. TASKS AND SOLUTIONS TO IMPROVE SMALL BUSINESS IN THE DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY //Conferencious Online. – 2021. – С. 57-60
  11. Rakhmonovna M. D. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT 2021
  12. Rakhmonovna M. D. UNDERSTANDING THE ESSENCE OF ENTREPRENEURSHIP AND BUSINESS IS THE BASIS FOR IMPROVING SMALL BUSINESS MANAGEMENT
  13. Makhmudova D., Kholikulov A. FINANCIAL SUPPORT OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Интернаука. – 2020. – №. 4-3. – С. 38-39
  14. Rakhmonovna, Makhmudova Dilbar. "RESEARCH PARK." (2021).
  15. Dilbar, M. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT.
  16. М.Д.Рахмоновна СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УПРАВЛЕНИЯ МАЛЫМ БИЗНЕСОМ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ. VIII Международная научно-практическая конференция «SCIENCE AND EDUCATION IN THE MODERN WORLD: CHALLENGES OF THE XXI CENTURY» 2021. Том. 2. С. 40-43
  17. MD Rakhmonovna “The Role and Importance of Small Business in Shaping the Digital Economy” American Journal of Economics and Business Management 4 (8), 82-90, 2021
  18. D.Махмудова “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА КИЧИК БИЗНЕС ИСТИҚБОЛЛАРИ” Science and innovation 1 (A6), 516-523, 2022
  19. D. Махмудова “Рақамли иқтисодиётни шакллантириш асосида кичик бизнеснинг бошқарув тизимини такомиллаштириш” Science and innovation 1 (A5), 440-448, 2022
  20. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
  21. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
  22. [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)